

2002 йил 1-2 сон

Жиноят ишини суд томонидан ҳар томонлама, тўлиқ кўрилмаганлиги, судланувчининг ҳаракатларига тўғри баҳо берилмаганлиги учун суд ҳукми бекор қилиниб, жиноят иши ҳаракатдан тугатилишига сабаб бўлган.

Суд ҳукмига кўра, М. хотини вафот этганлиги муносабати билан, уни кўмиб келганидан сўнг кўшниси С. билан бирга ўтиришганида, С.нинг куёви В. маст ҳолатда келиб, ҳақоратлаган, уни тинчлантиришга ҳаракат қилган М.нинг ёқасидан бўғмоқчи бўлгани учун уни уриб, енгил тан жароҳат етказганликда айбдор деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан 87.200 сўм миқдоридан жарима жазосига ҳукм қилинган.

Олий суд раисининг ўринбосари томонидан суд ҳукмини ноқонунийлиги учун бекор қилиб, ишни ҳаракатдан тугатиш тўғрисида протест келтирилган бўлиб, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйидагиларга асосан қаноатлантирган.

Жиноят иши материалларига кўра М.нинг хотини вафот этганлиги, уни кўмиб келиб, изтироб устида ўтирганида В. маст ҳолатда келиб, уни ҳақорат қилган. М. уни тартибга чақирганига қарамасдан, унга қаршилик кўрсатган, натижада М. зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб, унга қасддан енгил тан жароҳати етказган, ЖКнинг 107-моддаси талабига кўра жиноий жавобгарлик фақат баданга оғир тан жароҳати етказганлик учун белгиланган.

Судлов ҳайъати ажрими -№03-230н-01